

## Она қалби — фақат яхшилик тилайди



12:30 / 18.08.2021 2927

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида шундай марҳамат қилади:

يٰۤاَيُّهَا مَرْيَمُ اقْنُتِي لِمَا بَدَأَ فَاِثْمَرِي وَكُنِي مِمَّنْ سَبَّحُوْا بِحَمْدِ رَبِّكَ حَسْبًا ۗ لٰتُجَدُّ ۗ  
يٰۤاَيُّهَا اِسْحٰقُ اٰتِنَا هٰذَا بِغَدٰثِ اٰلِ يٰسَاقِطٍ ۗ لٰتُجَدُّ ۗ

Имроннинг хотини: «Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзингга холис назр қилдим. Бас, мендан қабул эт. Албатта, Сен Ўзинг ўта эшитувчисан, ўта билувчисан», – деганини эсла! (35-оят).

Оятни ўқиган ёки эшитган одам ҳазрати Имроннинг хотинлари – Биби Марямнинг оналари нақадар тақводор, художўй, бутун вужуди билан Аллоҳга ёқадиган иш қилишга уринадиган зот эканини дарров англайди. Ҳамда Аллоҳ таоло Имроннинг аҳлини бекорга одамлар ичидан танлаб, саралаб олмаганини тушуниб етади. Одатда ҳомиладор аёл бўлғуси

фарзандини, жигарининг бир парчасини ўзидан ҳам устун қўяди. Ҳазрати Имроннинг аёли ана шундай азиз жигарпорасини Аллоҳга холис назр қилмоқда:

«Имроннинг хотини: «Роббим! Албатта, мен қорнимдагини Ўзингга холис назр қилдим...»

Яъни холис ният билан, бирорта шартсиз, ўртага ҳеч қандай ҳақ ҳам киритмасдан, ҳамма нарсадан озод бўлган ҳолда назр қилмоқда. Боз устига, яна Аллоҳга илтижони кучайтириб:

«Бас, мендан қабул эт. Албатта, Сен Ўзинг **ўта эшитувчисан, ўта билувчисан**», – демоқда. Булар олий даражадаги тақво ва Аллоҳнинг йўлидаги фидокорлик намунасидир.

تَعَضُّوْا مِمَّ لَعْنَةُ الْجَلَالِ وَ تَنْوُوا هُوَ تَعَضُّوْا يَنْبَرُ تَلَاقِ اَهْتَغَضُوْا اَمَلَفِ  
نَمَّ اَهْتَيَّرُوْا كَبَّ اَهْدِيْغُا يَنْوُوا مَيَّرَمَ اَهْتَيَّمَسْ يَنْوُوا تَنْوَا لَكَ رُكُّ ذَلَا سَيَلَوِ  
مَيَّجَّرَلَا نَاطِيَّ شَلَا

Уни туққан чоғида: «Роббим, мен буни қиз туғдим-ку!!! – Ҳолбуки, Аллоҳ у нима туққанини яхши билади. – Ўғил қиздек эмас. Ва мен унга Марям деб исм қўйдим ва албатта, мен Сендан унга ва унинг зурриётига қувилган шайтондан паноҳ тиларман», – деди. *(Оли Имрон сураси, 36-оят).*

Ўша вақтларда ибодатхоналарга фақат ўғил болалар назр қилинар эди. Имрон алайҳиссаломнинг хотинлари ҳам ҳомиладорлик вақтларида, ўғил туғсам керак, деган гумон билан аввалдан назр қилган эди. Вақти-соати етиб, кўзи ёриган чоғида қараса, қиз туғибди. Ўз-ўзидан савол пайдо бўлди: назрга атаб қўйилган ҳомила ўғил бўлмади, ўғил туғилганида-ку, ҳеч қандай саволга ўрин қолмай, ибодатхонага топширилар эди, энди нима бўлади? Шу масалани билиш мақсадида:

«Уни туққан чоғида: «Роббим, мен буни қиз туғдим-ку!» – деди.

«Ҳолбуки, Аллоҳ у нима туққанини яхши билади».

Лекин Имрон алайҳиссаломнинг хотинлари назарида ибодатхона хизматида қиз бола ўғил болачалик бўла олмайди:

«Ўғил қиздек эмас», – дейди.

Кейин оналик меҳри жўшиб, гапнинг давомида:

**«Ва мен унга Марям деб исм қўйдим ва албатта, мен Сендан унга ва унинг зурриётига қувилган шайтондан паноҳ тиларман», - деб дуо қилади.**

Мусаффо оналик қалби шу – доимо ўзидан кечиб бўлса ҳам боласига – зурриётига камол, тинчлик-омонлик ва яхшилик тилайди.

***«Тафсири Ҳилол» китоби асосида тайёрланди***